# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2016 йил 29 август, № 168 (6603) Душанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# Тошкентдан Андижонга биринчи йўловчи поезди қатнови амалга оширилди






***Истиқлол йилларида мамлакатимиз темир йўл тизимида рўёбга чиқарилаётган лойиҳаларни, ҳеч иккиланмай, мустақилликнинг буюк мўъжизаларига қиёслаш мумкин. Зеро, янги қурилган "пўлат излар" хавфсиз ва равонлиги, замонавийлиги, халқаро талабларга тўла жавоб бериши, айни пайтда, салобатию маҳобати билан ҳар қандай кишини лол қолдиради.***

***Мамлакатимиз иқтисодий қудрати, халқимиз бунёдкорлик салоҳиятининг ёрқин ифодаси бўлган Ангрен — Поп электрлаштирилган темир йўл линияси ана шундай улкан лойиҳалардан биридир.***

***Президентимиз Ислом Каримов 2013 йил 26 апрель куни халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Ангрен — Поп йўналишида электрлаштирилган темир йўл қурилиши режалаштирилгани, 2016 йилда бу темир йўл қуриб битказилиши ҳамда поезд қатнови йўлга қўйилишини таъкидлади.***

Ана шу сўзларнинг исботи сифатида белгиланган муддатидан 4 ой олдин, яъни атиги 32 ой ичида 123,1 километрлик Ангрен — Поп темир йўли ва унинг таркибида 19,2 километрлик Қамчиқ туннели қуриб битказилди.

2016 йил 22 июнь куни Ўзбекистон ҳамда Хитой ҳамкорлигининг йирик лойиҳаси ижроси бўлган Ангрен — Поп электрлаштирилган темир йўл ва Қамчиқ туннелининг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ҳамда Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпинь иштирок этди.

Натижада юртимизда ягона миллий темир йўл тармоғи вужудга келди. Бу истиқлол йилларида ўзига хос тажриба тўплаган темир йўлчиларимизнинг энг улуғ ва энг азиз айёмга муносиб туҳфасидир.

Фахр билан айта оламизки, илгари темир йўл тизимида бундай янгиланишлар рўй бериши, айниқса, Қамчиқ довони узра поезд қатнови йўлга қўйилишини кўпчилик тасаввурига ҳам сиғдира олмасди. Истиқлол шарофати билан ана шундай ушалмас орзуларимиз рўёбини кўраяпмиз.

Шу ўринда бундан бир неча йиллар аввал бевосита Юртбошимиз ташаббуси билан бунёд этилган иккита йирик темир йўл магистрали — Навоий — Учқудуқ — Султон Увайстоғ — Нукус ҳамда Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон линияларини алоҳида таъкидлаш жоиздир. Чунки мазкур янги йўллар мамлакатимиз иқтисодий-ижтимоий ҳаётини юксалтириш баробарида, Ўзбекистоннинг ушбу йўналишдаги салоҳиятини ҳам оширди. Масалан, Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон темир йўли ишга тушгач, минтақанинг табиий ер ости бойликларини ўзлаштириш учун янги имкониятлар пайдо бўлди, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида туб бурилишлар юз берди. Энг муҳими, юк ҳамда йўловчи ташиш масофаси 170 километр, ҳаракат вақти эса 7 соат қисқарди.

— Президентимизнинг 2013 йил 18 июндаги "Ангрен — Поп электрлаштирилган темир йўл линияси қурилишини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти ва Хитойнинг "China Railway Tunnel Group" компанияси томонидан бунёд қилинган янги темир йўл линияси дунё миқёсида тоғли ҳудудда амалга оширилган лойиҳалар ичида 8-ўринда, туннелининг узунлиги бўйича эса 13-ўринда туради, — дейди "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятининг капитал қурилиш дирекцияси бошлиғи ўринбосари — Ангрен — Поп электрлаштирилган темир йўл қурилиши бошлиғи, Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Умматов. — Денгиз сатҳидан 2 минг 200 метр баландликда жойлашган Қамчиқ довонидаги мазкур қурилиш объектида жами 43 миллион куб метр тупроқ, 16,3 миллион куб метр бурғулаш-портлатиш ишлари бажарилди. Бундан ташқари, 285 та сунъий иншоот ҳамда сув ўтказиш қувурлари, умумий узунлиги 2,1 километрлик, ўртача баландлиги 25 метрни ташкил этувчи 15 та темир йўл кўприги, 6 та йўлўтказгич, 4 та станция, 4 та разъезд ва 2 та вокзал қуриб битказилди. 124 километрлик темир йўл тўлиқ электрлаштирилиб, 2 та нимтортиш станцияси қурилди. Лойиҳа доирасида темир йўлчилар учун 10 га яқин турар-жой бинолари барпо қилинди.

(Давоми 2-бетда).




## ҲАМКОРЛИК

Мамлакатимиз давлат мустақиллигининг 25 йиллиги байрами арафасида "Жаҳон" ахборот агентлиги мухбири Японияниянг Ўзбекистондаги Фавқулода ва мухтор элчиси сифатидаги миссиясини жорий йилнинг 11 август куни тугаллаган Фумихико Като билан мулоқотда бўлди.

Фумихико КАТО:

# «Бағрикенглик ва меҳмондўстлик ўзбек халқининг асосий фазилати ҳисобланади»

— Қийинчиликларни муваффақият билан енгиб ўтиб, жаҳондаги мураккаб бир шароитда барқарор ижтимоий ҳамда иқтисодий ривожланишни таъминлаётган мамлакатингизга ўз ҳурматимни изҳор қилишни истардим, — деди япон дипломати. — Буларнинг барчаси ўзбек халқининг тиришқоқлиги, заҳматли меҳнати натижаларидир.

Республикамизнинг иқтисодий салоҳияти ҳақида гапирар экан, Фумихико Като мамлакатимиз улкан имкониятларга эгалигини, ўзбек замини табиий захираларга бойлиги билан бир қаторда, юртимизда қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларда ҳам катта салоҳият мавжудлигини айтди.

Япон дипломати давлатимиз юритаётган ижтимоий сиёсатга юқори баҳо бериб, мамлакатимизда ҳар бир йил муайян ижтимоий йўналишни ривожлантиришга бағишланиши, тегишли давлат дастурларининг ҳаётга татбиқ этилиши бошқа мамлакатлар учун яхши намуна эканлигини таъкидлади. Шу муносабат билан у Ўзбекистоннинг соғлиқни сақлаш, айниқса, оналар ҳамда болалар саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасидаги муваффақиятларини алоҳида қайд этди.

Ф. Като заминимизда миллатлараро ҳамжиҳатлик ҳукм сураётгани мамлакатимиз барқарор тараққиётининг муҳим омилларидан бири эканлигини ҳам эътироф қилди. Унинг сўзларига қараганда, ушбу табаррук заминда яшайдиган барча миллат ва элатлар вакилларига нисбатан "хайрихоҳлик ҳамда бир-бирига ҳурмат билан муносабатда бўлиш муҳити" мавжуддир.

— Бағрикенглик ва меҳмондўстлик ўзбекистонликларнинг асосий фазилати ҳисобланади, — деди япон дипломати. — Мамлакатингизда ишлаган йилларим давомида мен бунга шахсан ишонч ҳосил қилдим.

Ўзбекистон ҳамда Япония ўртасидаги икки томонлама муносабатлар ривожи хусусида тўхталар экан, Кунчиқар юрт вакили қуйидаги фикрларини баён этди:

— Давлатларимиз жуғрофий жиҳатдан бири-биридан узоқ масофада жойлашган бўлса-да, уларни кўҳна ва мустаҳкам дўстлик ришталари боғлаб туради. Замонавий босқичда тегишли дастурлар доирасида мамлакат тараққиётига кўмаклашиш мақсадига йўналтирилган турли лойиҳаларни амалга ошириш асносида Япония Ўзбекистонни ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда. Бироқ биз эришилган натижалар билан чекланиб қолмаймиз, аксинча муносабатларимиз стратегик шериклик мақомига том маънода мувофиқ бўлиши учун керакли чора-тадбирларни кўраяпмиз *(2002 йили Ўзбекистон ҳамда Япония Дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма баёнотни имзолаган эди — таҳр.).* Ўтган йилнинг октябрида Япония Бош вазири Синдзо Абэнинг Ўзбекистонга расмий ташрифи икки томонлама алоқалар тарихида муҳим воқеа бўлди.

(Давоми 2-бетда).

## ТАДБИР

Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, тупроқ унумдорлигини ошириш, умуман, қишлоқ хўжалигига замонавий техника ва технологияларни жалб этиш борасидаги саъй-ҳаракатлар мамлакатимиз аграр соҳасида самарадорликни юксалтиришга хизмат қилмоқда. Ушбу жараёнда "Ўзмелиомашлизинг" лизинг компанияси фаол иштирок этаяпти.

# Қишлоқ хўжалигига — замонавий техникалар

Дарҳақиқат, у ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирларини бажаришга ихтисослаштирилган пудрат корхоналари ҳамда сув хўжалиги ташкилотларини лизинг асосида зарур техника, машина ва механизмлар билан таъминлаб келаётир. Бунда Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси ҳисобидан тегишли Давлат дастури асосида имтиёзли шартларда кўрсатилаётган лизинг хизматлари муҳим ўрин тутмоқда.

Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги байрами арафасида компания томонидан ташкил қилинган тадбирда ана шулар хусусида сўз юритилди.

— Ўтган давр мобайнида 2 мингдан ортиқ юқори унумли мелиоратив техникалар, яъни 800 га яқин экскаватор, 250 дан зиёд бульдозер ҳамда бошқа машина-механизмлар лизинг асосида етказиб берилди, — дейди "Ўзмелиомашлизинг" лизинг компанияси ижрочи директори Акром Сулаймонов. — Сўнгги йилларда компания томонидан кўрсатилаётган хизматлар кўлами, техника воситаларининг сони ва турлари тобора кўпаймоқда. Хусусан, жорий йилнинг биринчи ярмида кўрсатилган лизинг хизматлари ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 32 фоиз ошди.

(Давоми 2-бетда).

# Ўзбекистоннинг жадал тараққиёт йўли хорижлик экспертлар нигоҳида

Бундан 25 йил аввал қўлга киритилган мустақиллик туфайли Ўзбекистонда суверен тараққиётнинг янги даври бошланди. Давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳасида кенг қамровли ўзгаришлар рўй берди. Тарихан қисқа даврда юртимиз катта муваффақиятларга эришди. Булар жаҳон ҳамжамияти эътиборига сазовор бўлгани, шубҳасиз, қувонарлидир.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан хорижий мамлакатларнинг таниқли намояндалари ўзбек халқига йўллаётган қутловларида республикамизнинг замонавий ривожланишига оид баҳолар ҳамда фикр-мулоҳазалар ҳам ўз ифодасини топган.

## ЭЪТИРОФ

Масалан, **Бельгия парламенти Вакиллар палатаси раиси Зигфрид БРАКЕ** ўз табригида қуйидагиларни қаламга олган: "Ўзбекистон тараққиётнинг ўз моделига таянган ҳолда иқтисодиётни модернизациялаш ҳамда янгилаш асносида аҳоли ҳаёт даражасини изчил юксалтирмоқда, демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо қилиш йўлидан ишонч билан бормоқда. Ислоҳотларнинг миллий модели тамойилларини босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этаётгани ҳолда, республика жамиятда барқарорлик сақланишига, аҳоли фаровонлиги ошиши ҳамда уларнинг фуқаролик фаоллиги юксалишига эришди. Кейинги бир неча йиллар давомида ялпи ички маҳсулот ўсишининг ўртача йиллик кўрсаткичи 8 фоиздан юқори даражани ташкил қилаётганининг ўзиёқ танланган узоқ муддатли ривожланиш стратегиясининг тўғри ва самарали эканлигидан далолат беради.

Ушбу қутлуғ байрам арафасида ўзбек халқини табриклар эканман, республика аҳолисига бардавом тараққиёт ҳамда фаровонлик, ислоҳотларни изчил амалга ошириш, иқтисодиётни либераллаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда янги зафарлар тилайман".

Маълумки, хорижий давлатлар вакиллари мамлакатимиз эришаётган муваффақиятларни алоҳида қизиқиш билан кузатиб боришлари баробарида, турли соҳаларда ҳаётга татбиқ этилаётган ислоҳотларнинг самаралари билан яқиндан танишиш учун юртимизга келишлари ҳам одатий ҳолга айланиб қолган. Жумладан, **Бельгия парламенти депутати, Хейст-оп-ден-Берг шаҳри мэри ўринбосари Дэвид ГЕЕРТС** республикамизда хусусий мулкчилик ҳамда тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилаётган эътиборга юқори баҳо берган.

"Ўтган йили Ўзбекистонга бориш ва мамлакатнинг сиёсий ҳамда ижтимоий-иқтисодий ҳаёти билан шахсан танишишга муяссар бўлган эдим, — деб ёзади Д. Геертс. — Иқтисодиётни либераллаштириш бўйича тизимли ишларни амалга ошираётган, бошқарувга бозор тамойиллари ва механизмларини жорий қилаётган, жозибали ишбилармонлик муҳитини шакллантираётган, хусусий мулкчилик ҳамда тадбиркорлик равнақи йўлидаги ортиқча бюрократик тўсиқларни олиб ташлаётган Ўзбекистон ҳукуматининг қарашларини тўла қўллаб-қувватлайман. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, кичик бизнес иқтисодиётнинг ўта муҳим соҳаси бўлгани ҳолда, ички бозорни зарур маҳсулотлар ва хизматлар билан тўлдиришнинг асосий манбасига айлангани баробарида, иқтисодиётнинг диверсификацияланиши ҳамда барқарор ривожланишида юқори суръатлар таъминланишида жуда муҳим аҳамият касб этади.

(Давоми 2-бетда).

# Интерактив хизматлар

## солиқ тўловчиларга қўшимча қулайликлар яратмоқда

Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан кичик бизнес субъектларига солиқ солишга доир долзарб масалалар, my.soliq.uz портали орқали кўрсатилаётган интерактив хизматларни янада такомиллаштиришга бағишланган семинар ўтказилди.

## СЕМИНАР

Мамлакатимизда солиқ сиёсатини эркинлаштириш, мазкур тизимни такомиллаштириш, унинг шаффофлигини таъминлаш, шунингдек, солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, хусусий мулк, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилиш бўйича изчил ислоҳотлар олиб борилмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, истиқлол йилларида солиқ юки ялпи ички маҳсулотга нисбатан 20 фоизгача пасайтирилди.

(Давоми 2-бетда).

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов стационар даволанишда эканини маълум қилади.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, тўлиқ тиббий кўрик талаб этилади.

# Тошкентдан Андижонга биринчи йўловчи поезди қатнови амалга оширилди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

27 август куни нафақат темир йўлчиларимиз, балки бутун мамлакатимиз ҳаётида яна бир унутилмас воқеа юз берди: Ангрен — Поп электрлаштирилган темир йўл линияси орқали Тошкент — Андижон йўналишида биринчи йўловчи ташиш поезди қатнови амалга оширилди.

Бу ўн миллиондан зиёд аҳоли яшаётган Андижон, Фарғона ҳамда Наманган вилоятларига поездда юк ва йўловчи ташиш билан бирга, Хитой — Марказий Осиё — Европа янги халқаро транзит темир йўл коридорининг энг муҳим бўғини бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистоннинг чет давлатларга чиқиш ҳамда экспорт имкониятини, юртимизнинг транзит ролини кенгайтириш борасидаги салоҳиятини ҳам кескин оширади.

Соҳа мутахассисларининг айтишича, янги темир йўл фойдаланишга топширилиши билан йилига 10 миллион тонна халқ хўжалиги юклари ва дастлабки йилда 600 минг нафардан кўпроқ йўловчи ташиш имконияти вужудга келди.

— Халқимиз орасида "Йўли сознинг кўнгли чоғ" деган нақл бор, — дейди Тўрақўрғон туманидаги "Хадичахон ая" фермер хўжалиги раҳбари, Ўзбекистон Қаҳрамони Халчахон Мирзаева. — Бугун Қамчиқ довони орқали ўтган темир йўлдан биринчи йўловчи поездида кетаётиб, бу гапнинг нақадар ҳақ эканлигига яна бир карра амин бўлдик.

Мазкур йўлнинг қадри, аҳамияти нечоғли улканлигини биз, катта авлод вакиллари яхши биламиз. Чунки собиқ тузум даврида барча коммуникация тармоғи қўшни республика ҳудуди орқали ўтар эди. Бу ҳолат аҳоли учун ҳам, иқтисодиёт учун ҳам кўплаб ноқулайликлар туғдирарди. Масалан, Тошкентга бориб келиш жиддий муаммо бўлиб, йўл азобини тортганмиз. Ўша пайтларда поезд тун бўйи йўл босар, пойтахтда ишни битириб қайтиш учун камида икки кун вақт сарфлашга тўғри келарди. Одамларимиз Фарғона водийсини мамлакатимизнинг бошқа ҳудудлари билан темир йўл воситасида тўғридан-тўғри боғлайдиган кунлар тезроқ келишини орзу қиларди. Истиқлол шарофати билан довонда автомобиль йўли қурилгач, аҳвол бутунлай ўзгарди. Мана, энди темир йўлимиз ҳам бор. Бу халқимиз учун чинакам байрам туҳфаси бўлди.

Маълумки, водий аҳли ҳозирги пайтгача пойтахтга бориб келиш учун автомобиль транспорти хизматидан фойдаланиб келаётган эди. Бунинг ўзига хос қийинчиликлари бўлиб, хусусан, йўллардаги тирбандлик, қиш ойларида қатнов бирмунча мураккаблашиб қолиши ҳам бор гап. Энди бундай ноқулайликлар ортда қолди. Бундан юртдошларимиз, айниқса, Фарғона водийси аҳолиси жуда хурсанд.

Яқинда таҳририятимизга Наманган вилоятининг Чодак қишлоғида яшовчи уруш ва меҳнат фахрийлари — Файзимат Ашурматов, Исомиддин Аслонов, Абдулаззат Абдужалилов ҳамда Абдусаттор Худойбердиев номидан мактуб келди. Унда муаллифлар юртимиздаги тинчлик, ободлик, фаровонлик ва бунёдкорлик, хусусан, Ангрен — Поп электрлаштирилган темир йўли ишга туширилиши билан қишлоқ қиёфаси тубдан ўзгарганини алоҳида таъкидлашган.

Чиндан ҳам, довондан ошиб, Фарғона водийси томон ўтсангиз, кўркам "Чодак" станцияси ҳамда унинг атрофидаги замонавий хизмат кўрсатиш шохобчаларига кўзингиз тушади. Бундай ажиб манзарага "Кон", "Темирйўлобод" станциялари ва Поп, Андижон, Қўқон вокзалларида гувоҳ бўлиш мумкин.



— Бундан 25 — 30 йил илгари бу ерлардан темир йўл ўтади, деса, биров ишонмасди, — дейди Фарғона нефтни қайта ишлаш корхонаси директори Шамсиддин Саидаҳмедов. — Боиси, Қамчиқ довонининг улкан қоялари, чуқур жарликлари, пасту баланд адирлари узра поезд қатновини йўлга қўйиш ақлга сиғмас иш эди-да! Юртимизда узоқни кўзлаб амалга оширилаётган оқилона сиёсат, бунёдкор халқимизнинг азму шижоати туфайли бир пайтлардаги афсоналар бугун ҳақиқатга айланди.

Ангрен — Поп электрлаштирилган темир йўлининг ишга туширилиши бизнинг корхонамизга ҳам улкан иқтисодий самарадорлик келтира бошлади. Энг аввало, хом ашёни ташиш харажатлари сезиларли даражада камайди. Муҳими, юк ташиш чоғида маҳсулотнинг кераксиз йўқотилиши ҳамда сифат ўзгаришининг олди олинди. Бошқача айтганда, илгари ташилаётган 1 тонна маҳсулот таннархи 41 долларга тушган бўлса, темир йўлининг фойдаланишга топширилиши бу борадаги харажатларни салкам икки баробар қисқартирди.

...Поезд Ангрен, Поп, Қўқон ва Марғилон шаҳарларидан ўтиб, Андижон шаҳрига етиб келди. Тошкент — Андижон йўналишида биринчи йўловчи ташиш поездини бутун водий аҳли катта хурсандчилик, шоду хуррамлик билан кутиб олди. Бу ерда ҳозир бўлганлар меҳмонларга гуллар тақдим этди.

Андижон темир йўл вокзалида ушбу воқеа муносабати билан тантанали маросим бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққан Андижон вилояти ҳокими Ш. Абдураҳмонов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Ф. Дадахўжаев, "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти бошқаруви раиси О. Раматов, "Нуроний" жамғармасининг Андижон вилояти бўлими кенгаши раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Т. Топволдиев, Наманган давлат университети профессори Т. Файзуллаев, Ўзбекистон Республикаси халқ артисти Э. Комилов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Фарғона вилояти бўлими раҳбари, Ўзбекистон Республикаси халқ шоири Э. Сиддиқова, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори С. Фозилжонова ҳамда бошқалар Ангрен — Поп электрлаштирилган темир йўли мамлакатимиз иқтисодий салоҳияти янада тараққий топишига, аҳоли турмуш фаровонлиги бундан-да юксалиб, Ватанимизнинг халқаро майдондаги нуфузи ортишига хизмат қилишини алоҳида таъкидладилар.

— Яқинда Ангрен — Поп электрлаштирилган темир йўлининг мураккаб тоғ шароитида бунёд этилган Қамчиқ туннелидан "Ўзбекистон" поездининг ўтишидаги тантанали маросимда қатнашган эдим, — дейди "Нуроний" жамғармасининг Наманган вилояти бўлими кенгаши раиси Ғанижон Ортиқов. — Ўша кунлардаги ҳис-ҳаяжонлар сўнмай туриб, Тошкент — Андижон йўналишидаги биринчи йўловчи поездининг иштирокчиси бўлдим. Вагонлардаги шарт-шароитдан кўнгил яйрайди. Гапнинг рости, қулайлик бисёр бўлса, йўлнинг узоқлигини ҳам билмай қоларкансан, киши. Мен ушбу темир йўлни юртнинг олмос камари, деб атагим келади. У орқали шу йилнинг ўзида 600 минг кишига хизмат кўрсатилиши, 1,5 мингта иш ўрни яратилиши жуда катта аҳамиятга эга.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. Зокиров сўзга чиқди.

Шу куни поезд Андижондан пойтахтимизга қайтиб келди.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Фумихико КАТО:

# «Бағрикенглик ва меҳмондўстлик ўзбек халқининг асосий фазилати ҳисобланади»

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Фумихико Като 2004 йили иш бошлаган "Марказий Осиё+Япония" мулоқоти доирасидаги кўп томонлама ҳамкорлик ривожига алоҳида тўхталди. Дипломат эслатиб ўтганидек, 2014 йили ушбу мулоқот ташкил топганининг 10 йиллиги нишонланиши муносабати билан ташқи ишлар вазирлари йиғилишида иштирокчилар амалий ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида бу минбардан фойдаланишни давом эттириш юзасидан якдил фикр билдирдилар. Унинг маълум қилишича, ҳозирги пайтда "Марказий Осиё+Япония" мулоқоти доирасида қишлоқ хўжалиги, транспорт ва логистика соҳаларида аниқ-равшан лойиҳаларни ҳаётга татбиқ қилиш масалалари муҳокама этилмоқда. Шунингдек, Ф. Като Япония ҳукумати "ҳамкорликнинг ушбу шакли доирасида Ўзбекистон билан яқин алоқаларни янада мустаҳкамлаш ниятида" эканлигини айтди.

Суҳбатдош қуйидаги тилакларни изҳор этиш билан ўз фикрларини якунлади:

— Мустақилликнинг 25 йиллиги билан Ўзбекистон халқини самимий муборакбод этаман! Ишончим комилки, Япония ва мамлакатингиз ўртасидаги дўстона муносабатлар бундан кейин ҳам изчил ривожланади ҳамда мустаҳкамланади. Чин қалбимдан бардавом тинчлик ва фаровонлик тилайман!

**«Жаҳон» АА.**

# Интерактив хизматлар

## солиқ тўловчиларга қўшимча қулайликлар яратмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шу билан бирга, молиявий ҳамда солиқ ҳисоботларини тубдан қисқартириш, уларни тақдим этишнинг қулай усулларини жорий қилиш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди. Натижада бугунги кунда юртимиздаги барча тадбиркорлик субъекти солиқ ҳисоботларини масофадан туриб, электрон шаклда жўнатмоқда.

"Электрон солиқ хизматлари" — my.soliq.uz янги портали ишга туширилгани эса солиқ тўловчилар учун яна бир қулайлик бўлди. Негаки, унинг ёрдамида зарур ахборотларга эга бўлиш билан бирга, солиқ ва молиявий ҳисобот ёки мурожаатларни жўнатиш, солиқларни ҳисоблаш, корхона ходимлари учун мол-мулк ҳамда ер солиғини тўлаш, бюджет олдида солиқ бўйича қарздорлик мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотномаларни ҳам олиш мумкин.

Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси мутахассисларининг айтишича, мазкур порталда янги хизмат тури жорий этилгач, ишлаётган пенсионерларга пенсия, нафақа ва ҳар ойда компенсация тўловлари тўланиши учун жамғарма бўлимига электрон буюртмани тўлдириш ҳамда юбориш имконияти ҳам пайдо бўлди.

Семинарда ушбу хизматдан фойдаланиш бўйича батафсил тушунча берилди. Шунингдек, кўп тармоқли корхоналарда ягона солиқ тўловини ҳисоблаш, мазкур жараёнда имтиёз ва преференцияларни қўллаш тартиби, қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёзларни амалиётга татбиқ қилиш мезонлари ҳамда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ҳисоблаш чоғида имтиёзларни қўллаш билан боғлиқ масалалар ҳам атрофлича муҳокама этилди.

**С. ИБОДУЛЛАЕВ.**

# Қишлоқ хўжалигига — замонавий техникалар

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мижозлар манфаатларидан келиб чиқиб, лизинг объектларига ўрнатилган GPS қурилмалари уларни масофадан туриб реал вақт режимида назорат этиш имкониятини яратди. Бу техникаларнинг ишлаш жойи, босиб ўтган йўли, бажарган иш ҳажми тўғрисида аниқ маълумотларни олишда қўл келаяпти.

Техника ҳамда механизмлар учун хорижий давлатлардан олиб келинадиган эҳтиёт қисмлар ва бутловчи буюмлар 2018 йилгача божхона тўловларидан озод қилингани қўшимча қулайлик туғдирмоқда. Яъни бу корхоналар айланма маблағларининг кўпайиши, сервис хизматлари кўрсатиш самарадорлигини таъминлаётир.

Тадбир якунида лизинг техникаларидан унумли фойдаланаётган, шунингдек, тўловларни ўз вақтида амалга ошириб келаётган илғор хўжалик юритувчи субъектлар турли номинациялар бўйича тақдирланди.

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ.**

Янгиликлар, воқеалар,

# хабарлар

## Имконияти янада кенгайди

**● Наманган**

Вилоят марказида "Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" компаниясининг вилоят филиали учун лойиҳа қиймати 3 миллиард 600 миллион сўмлик замонавий бино қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Бобур шохкўчасида жойлашган мазкур иншоотда муассаса ишчи-хизматчилари, шунингдек, бу ерга ташриф буюрувчи фермер хўжаликлари вакилларига барча қулайлик яратилган. Кўргазмалар учун ажратилган алоҳида залда лизинг асосида харид қилишга мўлжалланган техника воситалари намойишга қўйилади.

Айтиш жоизки, кейинги ўн беш йил давомида филиал томонидан фермер хўжаликларига 122 миллиард сўм қийматидаги 3,6 мингдан зиёд турли русумдаги машина ва механизмлар етказиб берилди.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Ташқи бозорда ҳам талаб ортмоқда

**● Сирдарё**

"Ўзбекистон қовунлари". Қутисига ана шундай ёзув туширилган "Мирзачўл" навли машҳур қовунлар Европадаги кўплаб мамлакатлар савдо дўконларига етказиб берилмоқда.

Хусусан, бу борада биргина Мирзаобод туманидаги "Red Pack" масъулияти чекланган жамияти томонидан ҳозиргача амалга оширилган экспорт ҳажми 360 тоннага етди.

— Мавсум охиригача хорижлик буюртмачиларимизга бир ярим минг тонна қовун жўнатишни мўлжаллаяпмиз, — дейди корхона раҳбари Раҳмонберди Саламатов. — Тез орада қовунқоқи ҳамда хурмо, анор каби меваларни ҳам ташқи бозорда сота бошлаймиз. Фаолиятимизнинг янада кенгайишида жорий йилнинг июль ойида Тошкент шаҳрида ўтказилган I Халқаро мева-сабзавот ярмаркасининг аҳамияти катта бўлди.

Дарвоқе, мазкур кўргазмада ҳудуддаги "Сирдарьинский берег", "Сирдарё савдо импекс" каби масъулияти чекланган жамиятлари ҳам хорижлик ҳамкорлар билан бир неча йирик шартномалар имзолади. Натижада йил охиригача вилоят бўйича 50 миллион АҚШ долларилик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспортга чиқариш имконияти яратилди.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Янги бино фойдаланишга топширилди

**● Сурхондарё**

Соғлом она ва бола йилининг ўтган даврида Жарқўрғон туманида 50 га яқин турли иншоот ҳамда корхоналар барпо қилинди. Энг улуғ, энг азиз байрам арафасида эса 10 дан зиёд мажмуалар ишга туширилиши кўзда тутилган.

Яқинда туман марказида фойдаланишга топширилган ФҲДЁ бўлимининг янги биноси — шулардан бири. Лойиҳа қиймати 1 миллиард 500 миллион сўмни ташкил этган ушбу мажмуа икки қаватдан иборат бўлиб, бунёдкорлик ишларини тумандаги "Парвина" хусусий корхонаси қурувчилари амалга оширди.

— Аввал эски мослаштирилган бинода фаолият кўрсатардик, — дейди ФҲДЁ бўлими иш юритувчиси Зебо Жабборова. — Энди шароитларимиз ҳавас қилса арзигулик даражада. Мазкур бино 10 хонадан иборат бўлиб, туманимиз маркази кўркига янада кўрк қўшди.

**Нормурод ТЕМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Ўзбекистоннинг жадал тараққиёт йўли хорижлик экспертлар нигоҳида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистон ҳукумати давлат ва жамият инфратузилмаларини тараққий топтиришга улкан ҳажмдаги сармояларни йўналтираётгани ҳам таҳсинга лойиқ. Янги замонавий ишлаб чиқариш қувватлари билан боғлиқ лойиҳаларга маблағ жалб қилиш жараёни менда катта таассурот қолдирди. Чунки бу миллий иқтисодиёт равнақи қўллаб-қувватланишида муҳим жиҳат ҳисобланади.

Ўзбекистон халқини илғор давлат барпо этиш йўлида эришган юксак муваффақиятлари билан самимий муборакбод этаман ҳамда келгусидаги эзгу ишларида улкан муваффақиятлар ва бардавом фаровонлик тилайман!"

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг ижтимоий йўналтирилган тараққиёт йўлини танлади. Ҳар томонлама баркамол навқирон авлодни тарбиялаш юзасидан ғамхўрлик кўрсатиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Бу борада амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар хорижий мамлакатлар жамоатчилиги ўртасида ҳам қизғин эътирофини топмоқда. Жумладан, **Россия Федерацияси Давлат думаси депутати, Умумроссия мактаб спорти федерацияси президенти Ирина РОДНИНА** йўллаган қутловда шу ҳақдаги мулоҳазалар баён қилинган.

"Ўзбекистонда жисмонан соғлом ҳамда интеллектуал салоҳияти юқори, замонавий билим ва касб-ҳунарга эга бўлган ёш авлодни тарбиялашга жуда катта эътибор қаратилаётир, — деб ёзади у. — Ана шундай узоқни кўзлайдиган сиёсат олиб борилаётгани туфайли республика нисбатан қисқа давр ичида минтақадаги энг илғор мамлакатлардан бирига айланди.

Хусусан, республикада ёшлар камолоти йўлида мустаҳкам ҳуқуқий замин яратилган. 2016 йилнинг "Соғлом она ва бола йили" деб эълон қилиниши эса, шубҳасиз, соғлом авлодни вояга етказишга қаратилган навбатдаги муҳим қадам бўлди.

Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини оммалаштириш мақсадида спорт билан шуғулланиш ҳамда унга ёшларни жалб этиш Ўзбекистон раҳбарияти томонидан рағбатлантирилаётгани ҳам катта ҳурмат-эътиборга лойиқдир. Ана шу каби ғамхўрликлар натижаси ўлароқ, нуфузли халқаро мусобақаларда ўзбек спортчилари кўплаб медалларни қўлга киритишаяпти. Ишонч билан айтиш мумкинки, баркамол авлодга эга бўлган мамлакатнинг келажаги ҳам буюкдир.

Шу кунларда дўст Ўзбекистонда давлат мустақиллигининг 25 йиллиги байрамини нишонлашга қизғин ҳозирлик кўрилаётир. Фурсатдан фойдаланиб, серқуёш ва кўп миллатли мамлакатга собит барқарорлик ҳамда осойишталик, унинг халқига эса янада катта муваффақиятлар ва фаровонлик тилайман".

Бой тарихий-маданий мероси боис Ўзбекистон замонавий сайёҳлик марказига айланди. Республикамизга ҳар йили миллионлаб туристлар келмоқда. Ўлкамиз ҳудудида қарор топган ноёб ёдгорликлар халқимизнинг кўп асрлик тарихини мужассам қилган. **Дунё маданий мероси академияси президенти Тадаши СУГАЯ (Япония)** шу ҳақда тўхталар экан, Ўзбекистон жаҳон тамаддуни бешикларидан бири сифатида инсониятнинг маданий ҳамда илмий бойликларини бирлаштиргани ҳолда, кўп асрлар давомида Шарқ ва Ғарб ўртасида кўприк бўлганини таъкидлайди.

"Ўзбекистонда санъат ҳамда маданиятни ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётгани бизни қувонтиради, — деб ёзади Т. Сугая. — Бой маданий меросни ўрганиш, меъморий ёдгорликларни асраб-авайлаш бўйича олиб борилаётган кенг қамровли ишлар кўпгина давлатлар учун намуна бўлиши мумкин. Самарқанд, Бухоро, Хива сингари кўҳна шаҳарлардаги маҳобатли ва бетакрор ёдгорликлар борган сари японниялик кўплаб сайёҳлар эътиборини ўзига жалб этмоқда".

Умуман олганда, японияликлар республикамизда рўй бераётган кенг кўламли ўзгаришларга катта қизиқиш билан қарамоқда. **Япон археологи, "Дўстлик" ордени соҳиби, Термиз шаҳрининг фахрий фуқароси Кюдзо КАТО** фикрича, бундай ўзгаришлар Ўзбекистон ҳамда Япония ўртасидаги икки томонлама муносабатларнинг мустаҳкамланишига ҳам кўмаклашаётир. "Ишончим комилки, давлатларимиз ўртасидаги алоқалар янада ривожланади ва чуқурлашади", дейди япон тадқиқотчиси. У юртимизнинг халқаро миқёсдаги нуфузи тобора ошиб бораётганини эътироф қилар экан, Марказий Осиёнинг энг муҳим давлати ҳисобланадиган Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг ажралмас бўлаги эканлигини таъкидлайди.

Мамлакатимизнинг мустақил тараққиёт йилларида эришган муваффақиятлари Корея Республикаси вакиллари томонидан ҳам шарҳланмоқда. Жумладан, **Жанубий Корея Дори-дармон ишлаб чиқарувчилари уюшмаси раиси Ли Кёнг ХО** қайд этганидек, ўзбек халқининг меҳнатсеварлиги ҳамда турли соҳаларда улкан салоҳиятнинг мавжудлиги туфайли Ўзбекистон катта марраларни эгаллаши баробарида, минтақа барқарорлиги ва хавфсизлиги таъминланишига ҳам салмоқли ҳисса қўшмоқда. У давлатларимиз ўртасидаги икки томонлама алоқалар хусусида тўхталаркан, бугун Ўзбекистон фармацевтика саноати бўйича ҳам МДҲда етакчилардан бири эканлигини айтди.

Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги байрами муносабати билан Ли Кёнг Хо ўзбекистонликларнинг барчасига мустаҳкам соғлиқ ҳамда фаровонлик тилади.

**"ЛокВирса" музейи директори, тарих фанлари доктори Фаозия САИД (Покистон)** ҳам мазкур қутлуғ сана муносабати билан ўзининг самимий табрикларини йўллади.

Унинг ёзишича, тарихий дўстлик, маданиятлар, тил ва гуманитар қадриятлар яқинлиги Покистон — Ўзбекистон ўртасидаги кўп асрлик муносабатлар замирини ташкил қилади.

Покистонлик олима буюк шоир ҳамда давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳақида алоҳида тўхталиб, унинг ижоди бутун Шарқ, айниқса, ҳинд субконтиненти адабиёти ривожига улкан таъсир кўрсатганини қаламга олган. "Ўрта аср шеъриятининг ёрқин вакили қолдирган адабий гулшан Ўзбекистон маънавий меросининг юксак эканлигини намоён этади", дейди олима ўз қутлов мактубида.

Фаозия Саиднинг таъкидлашича, мустаҳкам тинчлик, барқарорлик ва динлараро ҳамжиҳатлик юртимиз эришган асосий муваффақиятлардан ҳисобланади. Бу Ўзбекистонга изчил ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, халқнинг улкан тарихий-маданий салоҳиятини асраш ҳамда янада уни бойитиш имконини берди.

**«Жаҳон» АА.**

# Истеъдод, салоҳият ва рағбат

Қашқадарё вилоятидаги “Лочин” болалар соғломлаштириш оромгоҳида “Юрт келажаги — 2016” иқтидорли ёшлар танловининг республика босқичи якунланди.

## «ЮРТ КЕЛАЖАГИ — 2016»

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Халқ таълими вазирликлари ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган 446 нафар йигит-қиз қатнашди.

Ҳакамлар ҳайъати иштирокчилар чиқишини баҳолашда уларнинг илм-фан, санъат ҳамда замонавий технологиялар борасидаги билим ва салоҳияти, изланиш ҳамда ташаббусларига алоҳида эътибор қаратди. Шунингдек, ёшлар учун уюштирилган маҳорат дарслари, семинар-тренинглар ва маданият ҳамда санъат вакиллари билан учрашувлар қизғин таассуротларга бой бўлди.

— Бугунги глобаллашув даврида ахборот технологиялари тобора ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда, — дейди Нишон туманидаги маиший хизмат кўрсатиш коллежи ўқувчиси Олимжон Амирқулов. — Шу боис бу соҳани мукаммал эгаллаш, янги-янги лойиҳалар яратишга интилаяпман. Танловда “Ахборот технологиялари, рационализаторлик таклифлар ва техник ишланмалар” номинацияси ғолиблигини қўлга киритдим. “Ўзбекистон бўйича қидирув тизими ва сайтлар каталоги” деб номланган ушбу тизим қатор афзалликларга эга. Мазкур ишланмам ёрдамида мамлакатимизда реал вақт режимида ишлаётган миллий сегментдаги ҳамда бепул сайтларни бир зумда топиш ва улардан самарали фойдаланиш мумкин.





Шунингдек, танловда “Архитектура ва дизайн”, “Анъанавий ва амалий санъат”, “Бадиий ижод ва журналистика” каби номинациялар бўйича ҳам 44 нафар ғолиб номи аниқланди.

— Ушбу ижодий беллашув юртимизнинг турли ҳудудларидаги иқтидорли йигит-қизларни аниқлаш ҳамда рағбатлантиришга хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир, — дейди “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Қашқадарё вилояти кенгаши раиси Шомурод Сатторов. — Мана, гувоҳи бўлганингиздек, танловнинг якуний босқичини юқори савия ва байрамона руҳда ўтказиш учун “Лочин” болалар соғломлаштириш оромгоҳида барча шарт-шароит муҳайё этилди. Ўқув машғулотларида қатнашчилар махсус ишлаб чиқилган интерактив дастур бўйича ўз ғояларини ҳаётга татбиқ қилиш усулларини ўргандилар. Семинар-тренингларда олган назарий билимларини амалиётда мустаҳкамладилар. Ўз навбатида, давра суҳбатлари, кўнгилочар дастурлар ҳамда спорт беллашувларида қатнашиб, янги дўстлар орттирдилар.

Ғолибларни тақдирлаш маросими ижодкор ёшлар ва таниқли эстрада хонандалари иштирокидаги концерт билан якунланди.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



# Жаҳон чемпионатига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда

Хабарингиз бор, жорий йилнинг 10 сентябридан 1 октябрига қадар Колумбияда футзал бўйича Жаҳон чемпионати бўлиб ўтади.

## ФУТЗАЛ

Унда биринчи маротаба Ўзбекистон миллий терма жамоаси ҳам қатнашади. Айни пайтда вакилларимиз мусобақага тайёргарликни Эрон мамлакатида давом эттиришмоқда. Режага кўра, Форс кўрфази терма жамоасига қарши иккита учрашув ўтказилгач, терма жамоа делегацияси Португалияга йўл олади.

Порту шаҳрида уюштириладиган йиғинда испаниялик мураббий Хосе Мария Мендес мураббийлигидаги жамоамиз 1 сентябрь куни Португалия, 2 сентябрь куни эса Испания терма жамоасига қарши ўртоқлик баҳсларида майдонга тушади. Ниҳоят, мундиаль стартидан олдинги сўнгги назорат беллашуви Колумбияда, чемпионат старти арафасида, тўрт йилликнинг нуфузли турнири яна бир иштирокчиси Италия терма жамоасига қарши бўлиб ўтади.

Жаҳон чемпионатида юртимиз шарафини қуйидаги 14 нафар футзалчимиз ҳимоя қилади: дарвозабонлар Рустам Умаров, Акмал Ҳазратқулов; ўйинчилар Шуҳрат Тожибоев, Жавлон Аноров, Константин Свиридов, Артур Юнусов, Фарҳод Абдумавлонов, Дилшод Ирсалиев, Даврон Чориев, Дилшод Раҳматов, Нодир Элибоев, Илҳом Ҳамроев, Феруз Фахриддинов, Машраб Одилов.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон футзал терма жамоаси Жаҳон чемпионатининг “А” гуруҳида Колумбия, Португалия ҳамда Панама терма жамоалари билан баҳс олиб боради.

**Суннатилла ИСЛОМОВ**
**тайёрлади.**

# Муваффақиятларимизнинг бош омили

Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари иқтисодиётимизнинг таянч кучига айланди. Мазкур соҳанинг вакили сифатида қатъий ишонч билан айта оламанки, бу даражага эришишимизда юртимизда ишбилармонлар учун яратиб берилган кенг имконият ҳамда имтиёзлар муҳим омил бўлди.

## ДИЛ СЎЗИ

Дарҳақиқат, истиқлол туфайли ўйлаган ниятларимизга етаяпмиз. Режалаштирган ишларимиз тўлиқ амалга ошиб, ўзимиз хоҳлаган касб билан шуғулланаяпмиз. Ўзимдан келиб чиқиб айтсам, 2001 йилда мебель ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхона фаолиятини йўлга қўйдим. Бунда банкдан олинган 70 миллион сўмлик кредит қўл келди.

Ана шу маблағ эвазига олинган янги технология маҳсулотларимиз турини ўнтадан ошириш имконини берди. Натижада тендер асосида ташкилот ва корхоналарга мебель жиҳозлари етказиб бера бошладик. Қувонарлиси, корхонамиз маҳсулотлари тезроқ танилиб, эътирофга сазовор бўлаяпти. 2014 йилда “Тадбиркор аёл” республика кўрик-танловида ғолиб чиқдик.

Қисқаси, тадбиркорлар учун юртимизда ҳамма шарт-шароит муҳайё этилган. Бугун йўлингизни ҳеч ким тўсмайди, ҳуқуқларингизни ҳеч ким чекламайди. Булар ҳаммаси юртимизнинг эртаси бундан-да ёруғ бўлишидан далолатдир.

**Гулнора ҚОСИМОВА,**
**«Лобар плюс» масъулияти чекланган жамияти раҳбари.**
Пахтакор тумани

## Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институти (ҚХМЭИТИ)

**2017 йил учун катта илмий ходимлар-изланувчилар институти ҳамда мустақил изланувчиликка қуйидаги ихтисослик бўйича қабул эълон қилади:**

**05.07.01** — Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари. Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация ишларини механизациялаш

**Керакли ҳужжатлар:**
— ариза;
— маълумотнома (3.5 шакл бўйича ходимларни ҳисобга олиш шахсий варақаси);
— меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси, талабгор камида 2 йиллик илмий ёки илмий-педагогик (мустақил изланувчиликка камида 5 йил амалий) иш стажига эга бўлиши керак;
— олий таълим муассасаси магистратураси диплом ёки фан номзоди диплом ёхуд магистр даражаси жорий этилгунга қадар олинган олий маълумот тўғрисидаги диплом нусхаси (мустақил изланувчиликка талабгорлар бакалаврлик дипломи билан ҳам топширишга ҳақли);
— тадқиқот мавзуси бўйича эълон қилинган илмий маъруза ҳамда докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси;
— илмий журналларда ва нашрларда эълон қилинган илмий мақолалар (камида учта), илмий ҳамда илмий-амалий конференциялар, семинарлар ва давра суҳбатлари тўпламларига, фан доктори илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқотининг асосини ташкил этиши мумкин бўлган тегишли илмий йўналишлар бўйича бошқа илмий ишлар тўпламларига киритилган тезислар (камида иккита) рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари;
— талабгорнинг илмий ҳамда илмий-педагогик фаолиятга лаёқатини аниқлаш юзасидан тест синовидан ўтганлигини тасдиқловчи Олий аттестация комиссияси (ОАК) ҳужжатининг нусхаси;
— етакчи олимлардан бирининг уни илмий консультант сифатида белгилаш юзасидан ёзма розилиги;
— иш жойидан тавсифнома-тавсиянома;
— тиббий маълумотнома (086-шакл);
— 4х6 см. ҳажмдаги 4 та фотосурат;
— паспорт ва ҳарбий билет нусхалари (асли шахсан кўрсатилади).

***Ҳужжатлар 2016 йил 15 октябрдан 15 ноябргача қабул қилинади.***
***Кириш имтиҳонлари 1 — 20 декабрь кунлари бўлиб ўтади.***

**Манзил: Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Гулбаҳор автобекати, Самарқанд кўчаси, 41-уй, ҚХМЭИТИ, Илмий кадрларни тайёрлаш ва мутахассислар малакасини ошириш шуъбаси. Телефон: (0-370) 606-13-86.**
1297А/588

## ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

**2017 йил учун катта илмий ходимлар-изланувчилар институти ҳамда мустақил изланувчиликка қуйидаги ихтисосликлар бўйича қабул эълон қилади.**

**Катта илмий ходимлар-изланувчилар институтига:**
**(ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун)**

| | | | |
|---|---|---|---|
| **07.00.03** | — | Жаҳон тарихи | 2 ўрин |
| **07.00.07** | — | Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари | 2 ўрин |
| **07.00.08** | — | Халқаро муносабат ва ташқи сиёсат тарихи | 1 ўрин |
| **08.00.09** | — | Жаҳон иқтисодиёти | 1 ўрин |
| **10.00.05** | — | Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти | 2 ўрин |
| **10.00.10** | — | Матншунослик ва адабий манбашунослик | 2 ўрин |

***Катта илмий ходимлар-изланувчилар институтига талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:***
— ариза;
— маълумотнома;
— меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;
— олий таълим муассасаси магистратураси дипломи, фан номзоди дипломи ёки магистр даражаси жорий этилгунга қадар олинган олий маълумот тўғрисидаги диплом нусхаси;
— тадқиқот мавзуси бўйича эълон қилинган илмий маъруза ва докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси;
— илмий журналларда ҳамда нашрларда чоп этилган илмий мақолалар (камида учта) ва тезислар (камида иккита) нусхаси;
— талабгорнинг илмий ҳамда илмий-педагогик фаолиятга лаёқатини аниқлаш юзасидан ўтказилган тест синовидан ўтганлигини тасдиқловчи Олий аттестация комиссияси (ОАК) ҳужжатининг нусхаси (фан номзоди илмий даражасига эга талабгор бундан мустасно);
— етакчи олимлардан бирининг уни илмий консультант сифатида белгилаш юзасидан ёзма розилиги;
— Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси соҳиблари тегишли ҳужжат нусхасини тақдим этадилар.

***Қабул имтиҳонлари рўйхати:***
— мутахассислик;
— Ўзбекистон тарихи;
— фаннинг билиш назарияси ва методологияси;
— чет тили.

Фаннинг тегишли йўналиши бўйича фан номзоди илмий даражасига эга бўлган талабгор кириш имтиҳонларини топширишдан озод қилинади.

Шунингдек, юқорида қайд этилган ихтисосликлар бўйича мустақил изланувчиликка (ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиш учун) қабул эълон қилинади.

***Ҳужжатлар 2016 йил 15 октябрдан 15 ноябргача қабул қилинади.***

**Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 25-уй.**
**Телефон: (0-371) 233-45-21.**
1153R/526

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР



















# «Universal realtor» МЧЖ

## Қорақалпоғистон Республикаси филиали

**очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

2016 йил 30 сентябрь куни соат 15.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига ФИБ Нукус туманлараро судининг 2016 йил 13 апрелдаги 3087-3097-сонли ижро варақасига асосан, Нукус шаҳар СИБ томонидан хатланган, Нукус шаҳри, А. Диналиев кўчаси, 30-уйда жойлашган, «Urgensh trans» МЧЖга қарашли автомобилларга техник хизмат кўрсатиш биноси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 125 163 400 сўм.***

Аукцион савдоси Нукус шаҳри, Амир Темур кўчаси, 122-уйда ўтказилади. Талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача юқорида кўрсатилган манзилда қабул қилинади ва 2016 йил 29 сентябрь куни соат 16.00 да тўхтатилади.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишувни имзолаганидан сўнг кўчмас мулк объекти бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Universal realtor» МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси филиалининг АТ «Туронбанк» Нукус филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204975228007, МФО: 00585, СТИР: 302269399.

Мазкур кўчмас мулк билан иш кунлари тегишли шаҳар СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

**Манзил: Нукус шаҳри,**
**Амир Темур кўчаси, 122-уй, 2-қават, 9-хона.**
**Тел:./факс: (+99861) 222-11-73. www.realtor.uz**
**Электрон почта: universal.realtor@mail.ru**

Хизматлар лицензияланган.

1300R/609



**Халқ сўзи**
**Народное слово**

**МУАССИСЛАР:**
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 867. 76 092 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
*Девонхона (0-371) 233-52-55;*
*Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

**• МАНЗИЛИМИЗ:**
**100000,**
**Тошкент шаҳри,**
**Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.**

Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусаҳҳих — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.05 Топширилди — 21.05 1 2 3 4 5 6